



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 197 (8687). 15 октябрь, 1985 йил СЕШАНБА Баҳоси 3 тийин.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

## КПСС Марказий Комитетида

1985 йил 14 октябрь кун  
ни ўртоқ М. С. Горбачев  
раислигида КПСС Марказий  
Комитетининг Совет Иттифо  
қи Коммунистик партияси  
янги тахрирдаги программа  
сини тайёрлаш комиссияси  
мажлиси бўлиб ўтди.

Тайёрланган янги тахри  
даги программа лойиҳасини  
муҳокама қилишда комиссия  
аъзолари: СССР Езувчилар  
союзи правленисининг би  
ринчи секретари Г. М. Мар

ков, СССР Фанлар акаде  
миясининг вице-президенти  
П. Н. Федосеев, ВЦСПС  
раиси С. А. Шалаев, КПСС  
Ростов область комитетининг  
биринчи секретари А. В.  
Власов қатнашдилар.

Комиссия ўзи ишлаб чиқ  
қан лойиҳани кўриб чиқиш  
учун КПСС Марказий Ко  
митетининг навбатдаги пле  
нумида тақдим этишни мақ  
садга мувофиқ деб топди.

(ТАСС).

# Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революция  
сининг 68 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги даврни — капитали  
змдан социализм ва коммунизмга ўтиш даврини  
очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион интер  
национал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳна  
мо кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партия  
си!

5. Коммунизм бунёдкори, тинчлик учун матонат  
ли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига шон  
шарафлар!

6. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар  
ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

7. Яшасин СССР халқларининг мустақим интер  
национал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

8. Ленинчи большевикларга, партия ветеранла  
рига, Октябр қаҳрамонларига, социализм ғалаба  
си учун барча курашчиларга шон-шарафлар!

9. Улуғ Ватан урушида ғалаба қозongan совет  
халқининг мислсиз жасорати асрлар оша яшайвер  
син!

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун  
жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий  
шон-шарафлар!

10. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС  
XXVII съездини умумхалқ социалистик мусобақа  
сида янги меҳнат зафарлари, юсак муваффақият  
лар билан кутиб олайлик! Зарбдорларча, стаханов  
часига ишлайлик!

11. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! 1985 йил  
планини бажарайлик, ўн биринчи беш йилликни  
муваффақиятли тугаллайлик!

12. Коммунистлар! Мамлакатни социал-иқтисо  
дий ривожлантиришни жадаллаштириш учун умум  
халқ ҳаракатининг олдинги сафида бўлингиз!

13. Ишчилар ва колхозчилар, халқ ҳўжалиги му  
тахассислари! Илгор тажрибани, фан ва техника  
ютуқларини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий  
этингиз! Экономикани интенсивлашга бутун чора  
лар билан эришингиз, меҳнат унумдорлигини  
оширингиз!

14. Инженерлар ва техниклар, ихтирочилар ва  
рационализаторлар! Фан-техника тараққий  
жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссангизни кўпайти  
рингиз!

15. Совет олимлари! Сизлар фан-техника тарақ  
қийтини жадаллаштириш учун курашнинг олдинги

маррасида турибсизлар! Мамлакат сизлардан юсак  
самарали янги илмий-техника ечимларини кут  
моқда!

16. Машинасозлар! Халқ ҳўжалигини техника  
билан қайта қуроллантиришни сизлар ҳал қила  
сизлар! Юқори унумли машина ва ускуналарни  
тезроқ яратингиз!

17. Ёқилги-энергетика комплексининг ходимла  
ри! Нефть, газ, кўмир қазиб чиқаришни, электр ва  
иссиқлик энергияси ҳосил қилишни кўпайтирингиз!  
Энергетика программасини бажариш учун актив  
курашингиз!

18. Қурувчилар ва монтажчилар! Қурилиш са  
марадорлигини оширингиз!

Замонавий техника асосида тежамли ва сифат  
ли қуриш! Ишга тушириладиган объектларни  
юқори сифат билан ва ўз вақтида топширингиз!

19. Транспорт ва алоқа ходимлари! Юқларнинг  
узлуқсиз ташлишига, аҳолига хизмат қилишнинг  
юсак маданиятига эришингиз!

20. Кишлоқнинг, бутун агросаноат комплекси  
нинг меҳнаткашлари! Озиқ-овқат программасини  
сабот билан бажарингиз, деҳқончилик ва чорвачи  
лик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз!

21. Халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг меҳ  
наткашлари! Халқ истеъмоли моллари ишлаб чи  
қариш ва маийши хизмати ривожлантириш ком  
плекс программасини амалга оширишда фаол қат  
нашингиз!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чи  
қаришда интизом ва тартибни мустаҳкамлангиз,  
уюшқоқликни оширингиз!

23. Советлар мамлакатининг граждандари! Те  
жамкорлик режими — социалистик ҳўжалик юри  
тиш қонуни! Ҳамма соҳада тежамкор бўлингиз!

24. Халқ ҳўжалиги барча тармоқларининг меҳ  
наткашлари! Юсак сифатли маҳсулот ишлаб чи  
қарингиз! Совет маркази шарафи учун курашингиз!

25. Совет Иттифоқи граждандари! Социалистик  
турмуш тарзини, коммунистик ахлоқни қарор то  
птириш учун актив курашингиз!

26. Халқ депутатлари! Давлат, ҳўжалик ва соци  
ал-маданий қурилиш масалаларининг сабот билан  
ҳал қилингиз, сайловчиларнинг нақазлари амалга  
оширилишига эришингиз!

Яшасин чинакам демократик ҳокимият органла  
ри — халқ депутатлари Советлари!

27. Совет касаба союзлари! Омманинг меҳнат  
активлигини, ташаббускорлигини, техникавий  
ижодкорлигини ривожлантирингиз, уларнинг меҳ  
нат, турмуш, дам олиш шароитлари янада яхши  
ланишига эришингиз!

Яшасин бошқариш мактаби, ҳўжалик юрийтиш  
мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба  
союзлари!

28. Комсомоллар ва ёшлар! Билимларни, мада  
ниятни, профессионал маҳоратни тинимсиз эгаллан  
гиз! Партия билан халқнинг революцион, жанго  
вар ва меҳнат ананаларини кўпайтирингиз!

Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёр  
дамчиси ва ишончли резерви — Ленин комсомоли!

29. Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Иш  
лаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатна  
шингиз!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун ер юзи болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!  
30. Шонли ветеранлар! Ўз билимларингизни, бой  
ҳаётий тажрибангизни ёш авлодга ўргатингиз!

Ингит ва қизларни Ватанимизнинг оташин жон  
қурялари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидо  
корона курашчилар қилиб тарбиялангиз!

31. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таъ  
лим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаш  
тирингиз!

Умумий таълим ва ҳўнар мактаби ислоҳотини  
сабот билан амалга оширингиз!

32. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият хо  
димлари! Коммунистик гоёвийлик, партиявийлик  
ва халқчиллик байроғини баланд кўтарингиз!

Ҳаёт ҳақиқатини, юсак коммунистик идеаллар  
ни қарор топтирувчи асарлар яратингиз!

33. Совет жангчилари! Халқимизнинг тинч меҳ  
натини, социализмнинг тарихий ғалабаларини сер  
гаклик билан пухта ҳимоя қилингиз!

Шавкатли СССР Қуролли Кучларига шон-ша  
рафлар!

34. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи  
сиёсати — халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини, кенг  
халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш сиёсати!

35. Коммунистик ва ишчи партияларига қардош  
лик салом!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипс  
лиги мустаҳкамланаверсин!

36. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернациона  
лизм!

37. Социалистик мамлакатларнинг халқларига  
қардошлик салом!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари  
нинг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг  
социализм ғалабаларини, Ер юзида тинчликни  
мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қар  
ори!

38. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва  
миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳ  
камланаверсин!

39. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессия  
ва зўравонлик сиёсатига қарши қатъият билан ку  
рашингиз!

АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракат  
лари тўхтатилишини талаб қилингиз!

Исроил қўшинлари араблардан босиб олган ҳам  
ма ерлардан чиқариб юборилишига, империалист  
ларнинг араб мамлакатлари ишларига аралашуви  
тўхтатилишига эришингиз!

Мустақил Африка давлатларига нисбатан агрес  
сив ҳаракатлар тўхтатилишини, Жанубий Афри  
када шармандали апартеид системаси тугатили  
шини талаб қилингиз!

Намибия халқига озодлик!

40. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ядро  
уруши хавфини бартараф этиш учун, космосда қу  
ролланиш пойгазининг олдини олиш ва ерда шун  
дай пойгани тўхтатиш учун курашни кучайтирин  
гиз!

Ядро қуроли батамом тугатилишига эришингиз!

41. Европа халқлари! Европада мустаҳкам тинч  
лик ва ҳамкорлик учун, кескинликни юмшатишга  
қайтиш учун курашингиз!

Қитъада химиявий қурол йўқ қилинишига эри  
шингиз!

42. Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш  
— Осиёдаги барча халқларнинг иши! Биргаликда  
кич-гайрат билан Осиёни ва Тинч океан райо  
нини тинчлик, яхши қўшнчилик ва ҳамкорлик  
районига айлантирайлик!

43. Яшасин Улуғ Октябр Ватани — Совет Со  
циалистик Республикалари Иттифоқи!

44. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия  
раҳбарлигида — коммунистик бунёдкорликда янги  
ғалабалар сари, олга!

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

## Ҳамкорлик йўлидан

14 октябрь кун Кремлда  
Совет—Ливия ҳўжжатлари  
ни имзолаш маросими бўл  
ди.

КПСС Марказий Комитети  
Боти секретари М. С. Горба  
чев ва Ливия революцияси  
раҳбари полковник М. Кад  
дафи СССР билан Ливия  
жамахирияси ўртасида иқти  
содий, илмий-техникавий ва  
савдо ҳамкорлигини ривож  
лантириш узоқ муддатли  
программасини имзоладилар.

Иккала мамлакат ўртасида  
сиёсий маслаҳатлашулар  
қийдаги протокол ва кон  
суллик конвенциясини КПСС  
Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси, СССР  
ташқи ишлар министри  
Э. А. Шеварднадзе билан  
Ливия Араб социалистик

халқ жамахирияси ташқи  
алоқалар халқ бюроси халқ  
комитетининг секретари Аб  
дил Салом Трейки имзола  
дилар.

Ҳўжжатларни имзолаш чо  
ғида Совет томонидан —  
Г. А. Алиев, В. И. Вороти  
ков, В. В. Гришин, А. А.  
Громико, Е. К. Лигачев,  
Н. И. Рижков, М. С. Соло  
менцев, Н. А. Тихонов,  
В. М. Чебриков, В. И. Дол  
гий, В. Н. Пономарев, С. Л.  
Соколов, Б. Н. Ельцин,  
Л. Н. Зайков, М. В. Зима  
нин, И. В. Капотов, В. П.  
Никонов, К. В. Русаков ўр  
тоқлар, бошқа расмий киши  
лар, Ливия томонидан —  
М. Каддафи ҳамроҳлик қи  
лаётган расмий кишилар ҳо  
зир бўлишди.

(ТАСС).

## М. Каддафи СССРдан жўнаб кетди

Ливия революциясининг  
раҳбари полковник М. Кад  
дафи 14 октябрда Совет  
Иттифоқидан жўнаб кетди.  
У КПСС Марказий Комите  
ти ва СССР Олий Совети  
Президиумининг тақдирига  
биноан расмий дўстлик ви  
зити билан мамлакатимизга  
келган эди.

Аэродромда уни КПСС  
Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси, СССР  
Олий Совети Президиуми  
нинг Раиси А. А. Громико,  
КПСС Марказий Комитети  
Сиёсий бюросининг аъзоси,  
СССР Министрлар Совети

раисининг биринчи ўринбо  
сари Г. А. Алиев, КПСС  
Марказий Комитети Сиёсий  
бюросининг аъзоси, СССР  
ташқи ишлар министри Э. А.  
Шеварднадзе, КПСС Марказ  
ий Комитети Сиёсий бюрос  
и аъзоллигига кандидат,  
КПСС Марказий Комитети  
секретари Б. Н. Пономарев,  
КПСС Марказий Комитети  
Сиёсий бюроси аъзоллигига  
кандидат, СССР мулофаа  
министри С. Л. Соколов,  
бошқа расмий кишилар куза  
тиб қолдилар.

(ТАСС).

## ОБЛАСТЬ МАТВУОТ МАРКАЗИ ОХАБАР ҚИЛАДИ

### ИЛГОРЛАР КУПАЙДИ

◆ ПИСКЕНТ. Оқунбобоев  
номли колхоз тобора марра  
га яқинлашмоқда. Ўтган ку  
ни ҳўжаликнинг А. Қосимов,  
Қ. Қундузов, Н. Ҳасанбоев,  
И. Тулагон ўртоқлар бош  
лиқ бригадалари планни ба  
жарганликлари ҳақида ра  
порт бердилар. Бу бригада  
ларда ҳар гектаридан 29  
центнер ва ундан ошириб  
ҳосил олинди. Илгор кол  
лективларнинг деҳқонлари айни  
кунларда ҳосилдорлигини  
32—35 центнерга етказиш  
учун ҳаракат қилмоқдалар.

### РАҲМАТ, ҲАШАРЧИЛАР

◆ ЯНГИЎЛ шаҳри сано  
ат корхоналаридан Чиноз  
районига борган ҳашарчилар  
башқаришда меҳнат қилмоқ  
далар. Айниқса, ёр-мой ком  
бинати, биохимия заводи, Ян  
гийўл мебель фабрикаси кол  
лективлари теримда намуна  
кўрсатмоқдалар. Ҳар бир ҳа  
шарчи кунига 50 килограмм  
га етказиб пахта термоқда.  
Ҳашарчилар томонидан шу  
кунгача терилган пахта 580  
тоннага етди.



◆ КОММУНИСТИК райо  
нидаги Свердлов номли кол  
хознинг Ёсенқул Успанов  
бошчилиқ қилаётган брига  
даси деҳқонлари беш йилли  
қнинг якуловчи йилида 94  
гектар майдондан 338 тонна

пахта йиғиштириб олиш учун  
курашмоқдалар. Айни кун  
ларда бу бригада аъзолари  
йиғим-теримни уюшқоқлик  
билан ташкил этиб, мусоба  
қада пешқадамлик қилишя  
ти. Суратда: бригада бошли

### БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

◆ ҒАЛАБА. Район пахта  
корлари давлатта пахта со  
тиш юзасидан беш йиллик  
планларини бажардилар. Қа  
бул пунктларга 277 минг  
710 тонна ўринга 278 минг  
547 тонна «оқ олтин» етказ  
иб берилди. Ҳосилдорлик  
ўртача 35 центнерга ташкил  
этди.

Свердлов номли, «Заря  
коммунизма» колхозлари ва  
«Ўзбекистон ССР беш йил  
лиги» совхози пахтакорлари  
беш йиллик планнинг бажари  
лишига салмоқли ҳисса  
қўшдилар.

Шуниингдек, ОҚЎРҒОН,  
УРТА ЧИРЧИК районла  
рининг пахтакорлари ҳам  
давлатта пахта сотиш юза  
сидан белгиланган беш йил  
лик планларининг бажари  
лганлиги ҳақида рапорт бер  
дилар.



### ◆ МАМЛАКАТ Раҳм атиллаева Янгийўл районида ги Х. Туреунулов номли колхознинг илгор теримчила ридан. У кунига 110—120 килограммдан пахта териб, кўпинингкилограммчилар ўр тасидаги мусобақада пешқа дамлар сафида бораляпти. М. Раҳматиллаева бу йил 10 тонналик хирмон уйишга сўз берган.

А. Зуфаров фотолари.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА  
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА  
ШУ ЙИЛ 14 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

### МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир  
кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бо  
шидан бўён; тўртинчи устун — бир кунда машинада  
терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан бў  
ён машинада (планта нисбатан процент ҳисобида).

|             |      |       |      |        |
|-------------|------|-------|------|--------|
| Ғалаба      | 0,47 | 85,51 | 0,52 | 119,31 |
| Чиноз       | 1,03 | 81,13 | 0,82 | 72,30  |
| Янгийўл     | 1,11 | 79,74 | 0,65 | 78,44  |
| Оқўрғон     | 0,46 | 76,29 | 0,34 | 89,22  |
| Коммунистик | 0,56 | 74,33 | 0,47 | 89,48  |
| Урта Чирчиқ | 0,43 | 73,71 | 0,57 | 85,32  |
| Бўка        | 0,50 | 73,68 | 0,45 | 84,41  |
| Пискент     | 0,35 | 70,06 | 0,25 | 71,13  |
| Бекобод     | 0,38 | 59,44 | 0,06 | 46,74  |

Область бўйича: 0,54 74,03 0,42 82,62

Республикаимиз областларида пахта тайёрлашнинг бо  
риши ҳақида маълумот (мавсум бошидан бўён, планга  
нисбатан процент ҳисобида). Фарғона—80,98; Наман  
ган — 74,82; Хоразм—74,48; Бухоро—68,07; Анди  
жон—65,12; Қорақалпоғистон АССР—63,42; Сурхон  
дарё — 62,80; Навоий—59,39; Самарқанд—52,41; Сир  
дарё — 52,41; Жиззах—49,27; Қашқадарё—40,82. Рес  
публика бўйича—62,89.

## БЎСТОНЛИҚ РАЙОН САБЗАВОТКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

КПССнинг бўлажак  
XXVII съезди шарафига ў  
заро социалистик мусобақани  
аж олдириб меҳнат қилаёт  
ган Бўстонлиқ райони саб  
завоткорлари маррага етиб  
кедилар. 12 октябрда дав  
латта сабзавот сотиш йил  
лик плани ошириб бажари  
лди. Ёл дастурхонига 61 минг  
500 тонна маҳсулот етказиб  
берилди.

Шу кунга қадар беш йил  
лик планда кўзда тутилган  
292 минг 754 тонна ўринга  
давлатта 309 минг 644 тон  
на сабзавот сотилди.

1985 йил ва умуман беш  
йиллик планларининг му  
ваффақиятли бажарилишига  
Жданов номли, «Ленинград»,  
«Қизил туз» ва Карл Маркс  
номли колхозларнинг меҳ  
наткашлари катта ҳисса қўш  
дилар.

Район кишлоқ ҳўжалиги  
меҳнаткашлари ўз имконият  
лари ва резервларини чама  
лаб кўриб, давлатга яна 4  
минг тоннадан ортиқ сабза  
вот сотишга аҳд қилдилар.  
Районда шунингдек, ғала  
ба, картошка, мева, узум ва  
пилла тайёрлаш беш йиллик  
планлари ҳам ортиги билан  
бажарилиди.

СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ

# ОКТАБРЬ НУРАФШОН ҚИЛГАН ЙҮЛ

## 18 ОКТАБРДА УЛУҒ ОКТАБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 68 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЯҒОНА СИЁСИЙ КҮН ЎТКАЗИЛАДИ

«Аврора» садоси жаҳонга янги тарихий давр бошланганлигидан дарак берган, улуғ Лениннинг Россияда социалистик революция галаба қозонганлиги ҳақидаги илҳомбахш сўзлари янграган кунга олтинчи саккинчи йил бўлмоқда. Улуғ Октябрнинг галабаси XX асрнинг асосий воқеаси бўлди, бутун инсоният тараққиётининг тубдан ўзгариш юборди. Улуғ Октябр бутун жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш даврини, халқларнинг империализм зулмидан халос бўлиш, янги, адолатли социал тузум, Ер юзида мустақам тинчлик учун курашининг даврини бошлаб берди. Шунинг учун бу байрамни ҳар йили совет халқи, социалистик мамлакатлар халқлари, ер юзидagi барча тараққийларвар кишилар тантанали ишонайди.

Йилдан-йилга Октябрнинг ёдусу тобора нурафшон бўлиб бормоқда, Октябр революциясининг улуғворлиги ва аҳамияти чуқуროқ ва тўлароқ намойиш бўляпти. Бу революция инсониятга социал тараққиётининг янги йўллари кўрсатиб берди. Вақт ўтishi билан жуда кўпгина тарихий воқеалар, турли ҳодисалар кўп ҳолларда унутиб юборилди. Бироқ чинакамга улкан тўғитартиш ясаган Октябрнинг улуғворлиги олдида вақт ҳам кучсизлик қилмоқда. Улуғ Октябр жаҳондаги барча мамлакатларнинг миллионлаб меҳнатчилари тақдирини ялғомбахш таъсир кўрсатиб келди ва кўрсатиб келмоқда.

Совет халқининг тарихий-революцион ютуқлари, унинг коммунистик жамият қуриш учун курашдаги муваффақиятлари, мамлакатимиз мана олтинчи саккинчи йилдан бери оқимлаётган, халқа номаълум бўлган оғир йилда эришилган галабалар бутун жаҳон томонидан эътироф этилмоқда. Бу ютуқ ва галабалар Октябр йилининг бевосита давоми, улуғ Ленин голларининг ҳаётига таъбиқ этилишидир. Бу муваффақиятлар, тўпланган тарихий тажриба ҳозирги жаҳон революцион ҳаракатининг йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

Совет халқининг экономика ва маданияти ривожлантирилди, эришган улкан ютуқлари, социал ва миллий муносабатларда, иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларидаги чуқур ўзгаришлар, мамлакатимизда амалдаги социалистик жамиятнинг қурилиши ва такомиллаштирилиши, қардош социалистик давлатларнинг ташкил этилиши ва улар куч-қудратининг мустақамлашиши жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожлантирилганлиги ҳозирги давримизда

социализм енгилмас кучга айлантирилганлигидан ёрқин далолат бериляпти. Социализм бутун жаҳон тарихининг ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Бу капитализм ўрнини социализм эгаллашдан иборат жараён тарихий қонуният эканлигини кўрсатмоқда. Бу жараёни жаҳонда бирор куч тўхтатишга қодир эмас. Ҳозирги пайтда «Першинглар», «Томогавлар», «Трайденглар», «МХ»лар, «самовий урушлар» ёрдамида Улуғ Октябр ватанини йўқ қилишга умид қилаётганлар ҳам бунинг улдасидан чиқа олмайд.

Улуғ Октябр галабасидан сўнгги дастлабки йиллардаёқ В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Коммунизм иқтисодий ҳаётининг мутлақо ҳамма томонларидан «ўйсб чиқмоқда», унинг новдалари мутлақо ҳар ерда бор... Турмуш ўз билганини қилади... Келажак ҳар ҳолда коммунистларни эканлигини коммунистлар билдириши лозим». В. И. Лениннинг бу сўзларини ҳаётининг ўзи, Улуғ Октябр давридан бунинг бутун тарихий воқеалар тасдиқляпти.

Марксизм-ленинизм голларининг, ривожланган социализм қуриш таърибасининг улкан таъсири кенг меҳнатчилар оммасининг эксплуатация, монополиялар, реакция ва милитаризм зулмига қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кенг қўлама кураш олиб бораётганлигида намойиш бўлмоқда. Бу империализмнинг мустақамлака системаси парчаланиб кетишида намойиш бўлди. Ана шунинг натижасида ривожланаётган давлатларнинг катта гуруҳи, шу жумладан, социалистик тараққиёт йўлини танлаган мамлакатлар гуруҳи ташкил тоиди. Ҳозир улар олдида иқтисодий социал ва маданий тараққиётга эришишининг истиқболлари ва қулай имкониятлари очилди. Буржуа системалари ва империализмнинг янги тарихий шароитларга мослашини учун ҳамма уришларига қарамадан империализм қадам-бақадам ўз позицияларини бой бераётганлиги, капитализм умумий кризисидеги чучуқлашиб бораётганлиги жаҳон социализмининг куч-қудрати тобора ортаётганлигидан ёрқин далолат бермоқда.

Улуғ Октябр жаҳон миқёсида ҳам, умуман халқлар муносабатларида ҳам буржуа муносабатлари, принциплари, нормалари, турмуш тарзининг текисиз ҳукмронлигига қаршам берди. Тарихда илк бор жаҳон халқлари олдида урушин давлатлараро муносабатлар соҳасидан мутлақо чиқариб ташлаш, турли иқтисодий тузумга мансуб

давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қарор топтиришининг объектив имконияти пайдо бўлди. Бу билан халқлар ўртасида ҳар тарафлама яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш учун қулай шароитлар яратилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ М. С. Горбачевнинг Францияда расмий визити бунинг ёрқин намунасиридир. Совет раҳбари томонидан олга сурилган янги тинчлик ташаббуслари Совет Иттифоқи фақат тинчликка даъват қилиш билан чегараланиб қолмасдан, ўз ташаббусларини амалга ошириш учун актив ҳаракат қилиш тўғрисида таклифлар киритаётганлигини ҳам ишонarli тарзда кўрсатмоқда. Янги совет таклифлари халқлар муносабатларида тубдан ўзгариш ясаш, бу муносабатларнинг тинч-тотув ҳамкорлик қилиш ва кескинлиги омишатиш йўлига буришга чинакамга интилиш билан сурорлангандир.

Социалистик революция Коммунистик партия бошчилигидаги меҳнатчилар халқининг текисиз иқтисодий, бунёдкор имкониятларини намойиш қилди. КПСС эришилган ютуқларга баҳо бераар экан, совет жамияти ҳозир экономикаси юксак ривожланган жамиятга айлантирилганлигини таъкидлайди. Мамлакатининг миллий даромади урушдан аввалги йилдагига нисбатан 16 баравардан кўпроққа ортди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 24 мартабага кўпайди. Индустриянинг ривожланган капиталистик давлатлар саноатига қараганда икки баравар илдамроқ одимлаб борди. Ҳозирги кунда СССР жаҳондаги ҳар қандай бошқа мамлакатдагидан кўп чўян ва пўлат, нефть ва газ, цемент ва минерал ўғитлар, станоклар, трактор ва дон қончилари, кўплаб бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Ишлаб чиқаришнинг структураси ва илмий-техникавий даражасида чуқур ўзгаришлар бўлиб келди. Ямийнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи, унинг бунёдкорлик потенциалли тубдан ўзгариб кетди. СССР ҳозирги пайтда малакали, юқори билимли кадрларга эга. Бизда инженер ва олимларнинг катта отряди ишлаб турибди.

Барча қардош республикалар қатори Ўзбекистон ССР ҳам кўп тармоқли экономикага эга. Бу экономика мамлакат ягона халқ ҳўжалик комплексининг исми ҳисобланади. Ўзбекистон Тошкентдаги турли соҳаларда 400 тадан кўпроқ корхона мавжуд. Областида қудратли қурилиш индустрияси барпо

этилган. Транспорт ва алоқа, коммунал ҳўжалиги, савдо, маиший хизмат ривожланиб бормоқда. Пойтахт области асосий фондларининг қиймати ўн биринчи беш йиллик охирига бориб 45 миллиард сўмликни ташкил этади. Республика бўйича эса мазкур кўрсаткич 80 миллиард сўмликка яқинга тенг бўлади.

Тошкент области меҳнатчиларининг республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссалари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, республикада ишлаб чиқарилаётган товар маҳсулотининг 40 проценти, трансформаторлар, компрессор ва тракторларнинг 100 проценти область ҳиссасига тўғри келади. 1984 йилда республикада ишга туширилган асосий фондларнинг 27 проценти, турар-жойларнинг 34, мактабларнинг 22, шу жумладан олий ўқув юрларининг 72 проценти ҳам областимизда.

Пойтахт областининг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қўшаётган улуши ҳам салмоқли. Республикада етиштирилаётган қанпоқнинг ҳаммаси, пахтанинг 8,3, картошканинг 46,6, сабзавотининг 30,5, меванинг 14,9, узумнинг 18,3 проценти Тошкент областида олинкамоқда.

Совет Ўзбекистон мамлакатининг асосий пахта базасига айлантирилган. Бутун СССРда етиштирилаётган пахтанинг қариб учдан икки исми республикамизда ҳиссасига тўғри келади. Бу хомашё Иваново, Москва области, Ленинграддаги, Украина, Велоруссия, Эстония ва бошқа иттифоқдош республикалардаги тўғримақлилик корхоналарига етказиб берилади. Сугориланган деҳқончилик районида айлантирилган Ўзбекистон ССР бошқа қардош республикалар билан сув ҳўжалиги қурилишидаги тажрибаларини баҳам кўрмоқда. Ўзбекистон мамлакатининг кўпгина бурчақларига халқ ҳўжалиги бошқа тармоқларининг маҳсулотларини ҳам жўнатиб турибди. Аини пайтда иттифоқдош республикалардан бизга машина ва дастгоҳлар, асбоб-ускуналар, дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кўпгина бошқа буюмлар етказиб берилади.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг галаба қозонилиш ва мустақамлашаниш матнавий юксалиши кескин жадаллаштириб юборди. Ҳозирги кунда республика халқ ҳўжалигида 3 миллиондан кўпроқ ишчи меҳнат қилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг бугунги кундаги қиёфасини совхоз ишчилари ва колхозчилар белгилайди. Халқ зиёлиларининг кўп сонли отряди шаклланди. Ўзбекистон

кестон ёппасига саводхон ўлкага айланди.

Республика пойтахти ва Тошкент области маданият ва халқ маорифининг асосий марказидир. Бу ерда кўплаб олий ўқув юрлари, институтлар, театрлар, кутубхоналар, маданий-маърифий муассасаларнинг кенг тармоғи мавжуд. Областида 1,5 миллион киши ўқувнинг турли турларига жалб этилган. Улардан 760 миң нафаридан кўпроғи умумтаълим мактабларида, 170 миң нафар киши олий ўқув юрларида билим олмоқда. 1984 йилда область ва Тошкент шаҳри халқ ҳўжалигига 50 мингта яқин мутахассис тайёрлаб берди.

Совет халқининг турмуш фаровонлиги муттасил ортиб бормоқда. Экономиканинг тез қозонирилиши халқ ҳўжалиги потенциаллини янада оширишга эътиборин бўшаштирмаган ҳолда меҳнатчилар эътиёжларини янада тўлароқ қондириш чораларини қуриш имконини берди. Бу соҳада юксак натижаларга эришилди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар урушдан аввалги даражага қараганда 6 баравардан ҳам кўпроққа ортди. Уй-жой қурилиш улкан қўламада олиб бориламоқда. Ўзбекистон 1984 йилининг ўзида СССРда 2 миллионга қавтарга қурилди. Бу АҚШ, Буюк Британияда қурилган квартираларнинг кўлиб ҳисобланганга тенг. Касалхона ва поликлиникалар, болалар богча ва исилари, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғи сезиларли даражада кенгайди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматини ривожлантиришининг 1986—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасининг қабул қилиниши совет кишиларининг турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида партиянинг доимий ғам-хўрлигининг янги кўриниши бўлди.

Социалистик революция чор Россияси собиқ чекка ўлкалари халқларининг иқтисодий куч-ғайратларини жўш урдириб юборди. Мамлакатда миллий масала муваффақиятли ҳал этилди. Барча миллат ва элатларнинг бузилмас иттифоқи ташкил тоиди.

Барча совет республикаларининг гуллаб-яшнаш Коммунистик партиянинг қадрамонона фаолияти билан замбарчас боғлиқдир. Партия марксизм-ленинизмнинг амал қилган ҳолда жамиятнинг ривожланишига демократияни бутун чоралар билан ривожлантиряпти, партия турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя

этилишини таъминламоқда, меҳнатчиларни план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар қилмоқда.

КПСС коммунистик қурилишининг улуғвор вазифаларини ҳал этар экан, давлат ва оммавий жамоат ташкилотлари — халқ депутатлари Советлари, касабасоюзлар, комсомол ва бошқа ташкилотларга таъинмоқда.

Бутун совет халқи қабил областимизда меҳнатчиларни ҳам КПСС XXVII съездида тайёрларган авж олиб кетган ҳозирги кунларда катта вазифаларни ҳал этмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларига мувофиқ кадрларга талабчанлик қўйиб турилди. Уларнинг тошпирилган иш учун масъулияти оширилди. Ҳамма жойда интизом ва тартиб мустақамлашганлиги, салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб бориламоқда.

Аммо ҳали кўп иш қилиш, эришилган ютуқлар билан чегараланиб қолмаслик керак. Айрим жойларда ишдан сўстаклилик сезилляпти. Кўпгина корхоналар ва ҳўталоқ ағир тармоқлар ишлаб чиқариш бажарар ўстирилиши таъминлайдиган наизжаларга эриша олмаляпти. Айрим турлардаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, баъзи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, чакана савдо обороти, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича план тошпирилари бажарилмаляпти. Транспорт ишида ҳам муайян камчиликлар мавжуд. Қувватлар ва машина-ускуналардан фойдаланиш самардорлиги паст. Фонд самардорлигининг камайиши ҳўлларида барҳам бериламан. Кўпгина буюмларнинг сифати ҳайридорлар талабига жавоб берилайди.

Эришилган ютуқларни мустақамлашганига қолмасдан янада ривожлантириш, ҳўжалик қурилишининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш даркор. Партия умуман совет жамиятининг социал-иқтисодий ривожлантиришини жадаллаштириш вазифасини қўймоқда.

Ҳар бир совет кишининг ўз хизмат, граждалик бурчаларига юксак масъулият билан ёндашишга эришиш жуда муҳим. Партия кишиларнинг онда ва амалий фаолиятларидаги эскича қараш ва одатларга барҳам бериш вазифасини қўймоқда. Бу бекитисно ҳаммага тааллуқлидир. Бунинг энг оғир босқичи — кадрларни янги талаблар асосида психологик ўзгаришнинг босқичини илжони боришча тезроқ босиб ўтиш лозим. Бу талаблар, ишга янгича ёндашишлар замири-

да фан-техника тараққиётини изчил амалга ошириш вазифаси ётибди. Бу эса сўзсиз халқ ҳўжалигида чуқур силжиллашга, барча тармоқларни техника ва технология жиҳатидан қайта қуруллантиришга, ҳўжалик механизмининг тубдан реконструкция қилишга, халқ ҳўжалигини планлаштириш ва уни бошқаришининг бутун системасини модернизациялашга олиб келади, замонавий фан ва техниканинг барча имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ягона сиёсий кун давомида ҳар бир меҳнаткашта асосий фикрин — халқ ҳўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан иборат умумдавлат вазифаси ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинимаси, жумладан ҳар бир ходим олдида ҳам конкрет вазифалар қўйилиши етказили лозим. Шунинг учун ҳозир мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга, мавжуд ресурслардан ахшироқ қўлланишга эришиш керак. Метр саноатида оз натижа билан қанотланлиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигини оширишда тўб ўзгаришлар асайдиган, фонд ва материал сарфини кескин камайтирадиган қилиб реконструкция қилиш, технологияни ўзгариштириш керак.

Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида кўпгина резервлар мавжуд. Бу энг аввало ишлаб чиқариш самардорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фонд самардорлигини қўйиштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўлиқ фойдаланишдир. Фақат меҳнат унумдорлигини область миқёсида 1 процентида ошириш қўшимча равишда 22 миллион сўмлик саноат маҳсулоти, 35 миллион сўмлик кенг истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 6,4 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти етиштириш, 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш имконини беради. Фонд самардорлигини 1 процентта ошириш эса кўшимча 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан барабар.

Барча соҳаларда, айниқса ёнгилар-энергетика ресурсларини сарф қилишда қатъий тежамкорликка эришиш жуда катта резерв ҳисобланади. Шунингдек, ишлаб чиқаришда иқтисоди хомашё ва чиқатлардан кенг фойдаланиш, иқтисодий технологияни жорий этиш лозим. Ил давомида 2 кун етказилган материаллар, хомашё, ёнгилар ҳисобига ишлаш ҳаракатини бутун чоралар билан қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш керак. Бу ҳаракат область миқёсида мод-

дий сарф-харажатларни 25 миллион сўмликка камайтириш имконини беради.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябр социалистик революциясининг 68 йиллиги муносабати билан ёълон қилган Қаҳриқларига амалий иш билан жавоб бераётган областимиз меҳнатчилари бу шонли байрам оий мобайнида область саноати маҳсулотларини реализация қилиш планини 100,3 процент бажарди. Планага қўшимча равишда 14 миллион сўмлик машиналар, буюмлар реализация қилинди. Тошпириққа қўшимча равишда 20 миң тоннага яқин қалта толаси, 82 та трактор, 25 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилиди.

Тўққиз ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириш суръатлари 104,4 проценти ташкил этди. 672,8 миллион сўмлик асосий фондлар, шу жумладан салкам 650 миң квадрат метр саҳли уй-жойлар, 20,5 миң ўрнили мактаблар, фойдаланишга тошпирилди.

Шу кунларда беш йиллик яқунловчи йили пахта ҳосили тақдирини ўтун курашининг энг масъулиятида даври давом этмоқда. Ҳозирча об-ластада 5 ҳўжалик — Ўрта Чирчиқ районидаги Охжэ, бобоев номи, В. Терешкова номи, Бўка районидаги Тимирязев номи, Галаба районидаги Свердлов номи колхозлар, Янгйўл районидаги САМИС ҳўжалиги давлатта пахта тошпирилганлиги бажариб қўйди. 120 тадан кўпроқ пахтачилик бригадаси ҳам дастлабки марини эгаллади. 24 та ҳўжаликда машина терими плани оид этилди. Теримини ташкил этиш ва пахта тайёрлаш суръатларини оширишда «КПСС XXVII съезди шарафига пахта тайёрлаш планини 27 иш кунда бажарайлик!» шiori остида авж олган социалистик муқорак иқтисодий таъсир қўрматмоқда. «Оқ олтин» масъуми кишиларнинг етуклигини, улар масъулиятини, шунингдек, раҳбарларнинг ташкилотчилик қобилиятларини синовдан ўтказаяпти.

КПСС XXVII съездида ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездида актив тайёрларлик қўйиётган ҳозирги кунларда В. И. Лениннинг «Олга қараб бориш керак, олдинга қараб керак, съездга ҳўжалик қурилишига доир пахта ўйлаб чиқилган ва барча партия аъзоларининг биргаликда куч-ғайрат кўрсатиши натижасида ишлаб қайта ишланган амалий тажриба билан келиш керак» деган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади.

● КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБОР УН КУНЛИК

## СТАХАНОВЧА ВАХТАНИНГ ПЕШҚАДАМЛАРИ

Машинасозлар ва тикувчилар, кончилар ва химиклар, мебошчилар ва озиқ-овқат саноати ходимлари, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, маиший хизмат ходимлари — съезд олди зарбор вахтаси кунлари беш йилликни муддатидан илгари адо этган кишилар 12 октябрь кунини Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасига йиғилди. Бу ерда «КПСС XXVII съездида — 27 зарбор ўн кунлик!» шiori остидаги социалистик мусобақа навабдаги босқичининг гоилбарини, шунингдек ишчиллик маҳорати республика конкурсларининг лауреатларини тантанали суратда шарафлалар.

Митингнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анисичев очди.

Сўзга чиққан кишилар Ўзбекистон меҳнат коллективлари партия съездида қўйиётган умумхалқ тайёргарлигига, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленуми қарорларини бажаришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўлишга азму қарор қилганликларини билдирди.

Зарбор вахтанинги ўн биринчи ўн кунликни ўн кунликларини давомида ўрнат қўрсатган съездолди мусобақаси пешқадаларининг номлари айтиб ўтилди. Булар «Навоизот» бирлашмасининг, Андижондаги Энгельс номи совхозининг, Самарқанддаги «Спецсельмонтаж» трестининг, «Средазуголь» бирлашмасига қарашли «Шаргуш» шахтасининг, Хоразм область Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг ҳамда бошқа жами 55 та корхона ва ташкилотларнинг коллективларидир. Улар КПСС XXVII съезди шарафига му-

собақа гоилбарининг республика Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Хурмат тахтаси»га ёзилди. Ана шу коллективларнинг вакилларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабасоюзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ғиммеллари, шунингдек Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломлари тошпирилди.

Ишчиллик маҳорати республика конкурсларининг гоилбарини: машинада сўт соғиш операторлари — Самарқанд районидаги «Москва» колхозидан Қамар Ғуломов ва Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Жаннат Мамажонова, механик-ҳайдовчилар — Қоракўл районидаги «Бухоро» колхозидан Чинилгул Жумакова ва Изобаскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Нўмонжон Шарафуддинов, «Ташсельмаш» заводи ишчиларидан бир гурупа си — слесари Анатолий Левашов, тоқари Сергей Пастухов, фрезерчи Владимир Пичулин, «Главташкентстройга» қарашли 4-трестнинг гишт терувчиси Тўра Поллонов, Самарқанд кўн хом ашё заводидаги хилловчилар Нажиб Раҳимов, Хуррам Тўрақулов, «Главташсавотранс» 2-автомобилнинг шофери Александр Силохин, 160-қурилиш трести «Чирчиқкентстрой» бошқармасининг сувоқчиси Валентина Стригина, Андижон ил-тазлама комбинатининг тўқувчиси Муборак Хаитова, Тошкентдаги «Малика» бирлашмасининг тўқувчиси Машкура Хаитова Ўзбекистон касабасоюзлари республика Советининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. (ЎзТАГ).

♦ ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металллар комбинати коллективни КПСС XXVII съезди шарафига ўтаётган умумхалқ мусобақасида актив қатнашиб келмоқда. Суратларда: 1986 йил ҳисобига меҳнат қилаётган прокатчи бригадаси етакчиси А. Султонов (юқорида), хомашёни узлуксиз қайта ишлаб берувчи ускуналарни моҳирона бошқараётган 5-цехнинг В. Никитин бошчилигидаги оралик бригадаси аъзолари.

В. Втори фотолари. (ЎзТАГ).



Тежамкорлик — умумхалқ иши

## ЯНГИЛИККА ИНТИЛАДИ

Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг слесари И. Дик реэина конуслари тайёрлашдан пресс-иссиқлик печи асди.

— Илгари ана шу конусларни тайёрлашда қолтичлар ниҳоятда қийналишар эди, — дейди уста. — Конуслар ҳамма радионализация торлиқ таклифлари ишлаб чиқаришининг анча муаммоларини қолтирлаётганда монтаж тешкичаларига ишлов бериш учун ана шу конуслар жуда асқотдида.

Энди муаммо ҳал бўлди. Корхона учун йилга янгида ана шундай конус керак. Пресс-иссиқлик печида эса кўпроқ чиқариш

мумкин, бошқа корхоналарга ҳам юборса бўлади. Боз устига, конуслар тайёрлашда эски автомобиль покршқалари ва бошқа резина қолдиқларидан фойдаланилади. Қўли гул уста ҳаммиса янгилик топши ҳаракатида. Унинг ҳамма радионализация торлиқ таклифлари ишлаб чиқаришининг анча муаммоларини қолтирлаётганда монтаж тешкичаларига ишлов бериш учун ана шу конуслар жуда асқотдида.

Энди муаммо ҳал бўлди. Корхона учун йилга янгида ана шундай конус керак. Пресс-иссиқлик печида эса кўпроқ чиқариш

жараёнларини енгиллаштириш ва жадаллаштиришга имкон берадиган махсус дастгоҳлар тайёрланди. Бу ерда яқинда ниҳоясига етган реконструкция жараёнида ўрнатилган янги машина-ускуналар муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

Ангрен авторемонтчилари йил бошидан буюн ишлаб чиқариш графигидан ўн процентдан кўпроқ ўзиб кетишди. Натижада қурувчилар завод цехларининг махсус юк ва прицеп майдонларида капитал ремонтдан чиқарилган ўйлаб машиналар, дизель двигателларини олиш-

(ЎзТАГ мухбири).

Суръат қизғин

ТОШКЕНТ мотор заводи-нинг иккинчи навбати қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориламоқда. Ўрта Осиёда ягона — дизель моторсозлик корхонасининг тўғриги ҳисобланмиш бу заводнинг қурилишини икки йилдан сўнг тугатиш мўлжалланган. Бу ерда кундан-кунга янги корпуслар, цехлар, инженерлик ва маъмурий, маиший хизмат бинолари кўнча буй чўзмоқда. Қурилиш-монтаж ишларида ўзлаштирилган лозим бўлган 1,4 миллион сўмдан 11 миллион сўмга «Главсредизир-совхозстрой» трестининг саноат қурилиши бошқармаси амалга ошириш керак. Бошқарма бугунги кунда асосий ишларни 12 кунга майдонни эгаллаган механик-йигув чехида олиб бормоқда.

Қурилиш майдонида кўлаб ёрдамчи-пудратчи ташкилотлар ҳам меҳнат қилишмоқда. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли яrimi бригадалар ташкил этилиб борилаётган. Асосий объектларда бригадалар оралик усулида ишламоқдалар. Бу эса барча коллективларнинг ягона пайи асосида ишлаб, ишнинг охирига натижасига барабар жавоб бериш масъулиятини юклайди.

Завод қурилишида қўшимча объектлар ҳам комплекс ҳолда олиб борилаётган. Бинопо пудовор қ



## РЕКЛАМА ВА ЗЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА  
Антонина ТРОФИМОВА раҳбарлигидаги  
СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ЯҶОНА  
ЯНГИ ИЛЛЮЗИОН-МУЗИКАЛИ РЕВЮ  
**Г А С Т Р О Л Л А Р И**

Томшалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 да, якшанба кунлари соат 13, 16, 19.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявклар қабул қилинмоқда.

Касса ҳар кун соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкала олиш мумкин.

ОМОНАТ КАССА-  
ЛАРИГА ЮТУҚЛИ  
ОМОНАТЛАР

Андижон шаҳрида 1985 йил  
5 октябрда бўлиб ўтган  
ютуқли омонатлар бўйича  
86-ЮТУҚЛАР

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**  
Ўзбекистон ССРнинг барча омонат кассаларидаги пул-буум ютуқли омонатлар бўлиб, уларнинг ҳисоб-китоби

ютуқ миқдори (омонатнинг бртана)

| сўёт<br>номерлари | (омонатнинг<br>уртача<br>суммасига<br>процент<br>ҳисобида) | сўёт<br>номерлари | суммасига<br>процент<br>ҳисобида) |
|-------------------|------------------------------------------------------------|-------------------|-----------------------------------|
|                   |                                                            | B-031             | 50                                |
| A-004             | 25                                                         | B-050             | 100                               |
| A-049             | 50                                                         | B-111             | 25                                |
| A-111             | 25                                                         | B-140             | 25                                |
| A-156             | 25                                                         | B-198             | 25                                |
| A-197             | 25                                                         | B-212             | 50                                |
| A-209             | 100                                                        | B-273             | 25                                |
| A-271             | 25                                                         | B-307             | 25                                |
| A-286             | 25                                                         | B-346             | 25                                |
| A-322             | 25                                                         | B-381             | 25                                |
| A-368             | 25                                                         | B-400             | 25                                |
| A-438             | 50                                                         | B-452             | 25                                |
| A-456             | 25                                                         | B-512             | 25                                |
| A-488             | 25                                                         | B-549             | 25                                |
| A-542             | 25                                                         | B-593             | 25                                |
| A-597             | 25                                                         | B-611             | 25                                |
| A-632             | 25                                                         | B-670             | 25                                |
| A-677             | 25                                                         | B-717             | 25                                |
| A-705             | 200                                                        | B-721             | 25                                |
| A-759             | 25                                                         | B-795             | 25                                |
| A-785             | 25                                                         | B-816             | 200                               |
| A-803             | 25                                                         | B-849             | 25                                |
| A-866             | 25                                                         | B-885             | 25                                |
| A-901             | 25                                                         | B-957             | 25                                |
|                   |                                                            | B-997             | 100                               |

|                            |     |                            |
|----------------------------|-----|----------------------------|
| A-959                      | 100 | Січет соллари 1000 дан ор  |
| A-982                      | 25  | тиқ бўлган омонат касалла  |
| С-1000                     |     | дида кейинги барча 1000 ра |
| С-1000                     |     | тиқ бўлган омонат касалла  |
| рида кейинги барча минг    |     |                            |
| рақамли сонлардаги ўша     |     |                            |
| сичет номерлари ҳам ютди,  |     |                            |
| масалан, биринчи мингликда |     |                            |
| N№ A-1004, A-2004, A-      |     |                            |
| 1004, A-3004, A-4004, A-   |     |                            |
| 3049; шунингдек, A-1111,   |     |                            |
| A-2111, A-3111 ва ҳоказо,  |     |                            |
|                            |     | тиқ кейинги барча 1000 ра  |
|                            |     | қамли сонлардаги ўша сич   |
|                            |     | ет номерлари ҳам ютди, мас |
|                            |     | дан биринчи мингликда. N№  |
|                            |     | B-1031, B-2031, B-3031     |
|                            |     | B-1050, B-2050, B-3050; ш  |
|                            |     | унингдек B-1111, B-2111    |
|                            |     | B-3111 ва ҳоказолар.       |

Тираж комиссиясининг  
расни — Андикон шахар Со  
вети ижрокя комитети расни  
нинг ўринбосари А. А. ЗА  
ЗИМКО.

Тираж комиссиясининг  
масъул секретари — М. Х.  
ЎЛЛОШЕВА.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

**ТУРИСТ** ТОШКЕНТ САЁХАТ  
ВА ЭКСКУРСИАЛАР  
БҮРОСИ

ОКТАБРЬ, НОЯБРЬ, ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА  
ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БҒИЙИЧА  
ҚИЗИҚАРЛИ САЁХАТГА

## ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СОЧИ (Лазаревское) — 25 октябрдан 14 ноябргача  
Путёвка баҳоси—273 сўм.

«ДРУЖБА» ДАМ ОЛИШ УЙИ — 15 ноябрдан 5 декабргача. Путёвка баҳоси — 237 сўм; 6 декабрдан 26 декабргача. Путёвка баҳоси — 237 сўм.  
СОЧИ (хусусий сектор) — 25 октябрдан 14 ноябргача. Путёвка баҳоси — 296 сўм.  
АДЛЕР — 25 октябрдан 14 ноябргача. Путёвка баҳоси — 296 сўм.

ЯЛТА — 26 ноябрдан 16 декабргача. Путёвка баҳо-  
си—280 сўм.

КИСЛОВДСК — 17 ноябрдан 6 декабргача. Путёвка  
баҳоси—250 сўм.

ЖЕЛЕЗНОВОДСК — 6 ноябрдан 23 ноябргача. Путь-  
ка баҳоси—227 сўм.  
КАУНАС—ШЯУЛЯЙ —14 ноябрдан 26 ноябргача. Пу-  
тёвка баҳоси — 270 сўм.

КЛАЙПЕДА — РОКИШКИС — 28 ноябрдан 9 декабр-  
ка. Путёвка баҳоси—258 сўм; 18 декабрдан 30 де-  
кабр-ка. Путёвка баҳоси—258 сўм.

КАПСУКАС—БИРШТОНАС — 25 ноябрдан 9 де-  
кабргача. Путёвка бахоши — 272 сўм.  
ВЕНСПИЛС—РИГА — 2 ноябрдан 11 ноябргача. Пу-  
тёвка бахоши — 278 сўм.

ПУТЁВКА БАХОСИГА САМОЛЕТДА БОРИБ-КЕЛИШ, ЯШАШ, ОВКАТЛАНИШ ВА ЭКСКУРСИЯ ХИЗ-

МАТИ ҲАҚЛАРИ КИРИТИЛГАН.  
Путёвкеларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қуйидаги адресдан сотиб олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Парадлар хиббони, 5-уй, 8-хона. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73.

**Театр**

1 октябрда  
ТУГАТИЛДИ  
Барча даъволар 1 ноябр-  
гача қабул қилинади.

18; масъул секретарь—334808,

иш ва транспорт — 337010,  
ият—325767; ахборот ва спорт  
анпарварлик —325556; ре-

C: 84684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12